

**“Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг
Қонунини амалга ошириш бўйича тадбирлар режасининг ижроси тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочи	Ижроси таҳлили
1.	Соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш бўйича қайта кўриб чиқиш	<p>1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш.</p> <p>2. Заруратга кўра, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда келишиш учун манфаатдор вазирлик ва идораларга киритиш.</p> <p>3. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2019 йил 1 декабрь</p> <p><u>Ш.Отажонов,</u> <u>Ш.Игамбердиев</u></p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Адлия вазирлиги</p>	<p>Бажарилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Фармони лойиҳаси 25.08.2020 й. 01-15/3200-сонли хат (ID 21297) асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси 25.08.2020 й. 01-15/3199-сонли хат (ID-21295) асосида вазирлик ва идораларга келишиш учун чиқарилди.</p> <p>9 та ташкилот билан келишилган.</p> <p>1 та ташкилот билан келишилмаган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги).</p>
2.	“Илмий ва илмий-техникавий фаолиятни базавий	1. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 март	Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар	Бажарилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Илм-

	<p>молиялаштириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p>	<p>2. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш.</p> <p>3. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p><u>Д.Ҳашимов,</u> <u>Ш.Отажонов</u></p>	<p>академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги</p>	<p>фан ва илмий фаолиятга оид илмий ташкилотларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий молиялаштиришга ўтказиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси 08.07.2020 й. Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритилди.</p> <p>Бугунги кунда қарор лойиҳаси Молия вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ишчи тартибда ишланмоқда. Мазкур жараён якунига кўра қарор лойиҳаси ўрнатилган тартибда project.gov.uz портали орқали келишишга чиқарилади.</p>
3.	<p>“Илмий-инновацион лойиҳаларни дастурий-мақсадли молиялаштириш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p>	<p>1. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш.</p> <p>3. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2020 йил 1 май</p> <p><u>Ш.Отажонов</u></p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги</p>	<p>Бажарилган.</p> <p>Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 9 мартдаги 133-сон қарори қабул қилинди.</p> <p>Қарор билан Илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси тўғрисидаги низом, “Стартап” лойиҳаларни танлаб олиш ва молиялаштириш тартиби</p>

					тўғрисидаги низом, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгашлар тўғрисидаги низомлар тасдиқланди.
4.	“Ноёб илмий объектларни сақлашни молиялаштириш тартиби тўғрисида”ги низом лойиҳасини ишлаб чиқиш.	<p>1. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш.</p> <p>3. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2020 йил 1 август</p> <p><u>Ш.Отажонов</u></p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги</p>	<p>Бажарилган. Вазирлар Маҳкамасининг “Ноёб илмий объектларни аниқлаш, уларни сақлаш ва мониторингини олиб бориш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида” 2019 йил 6 февралдаги 94-сон қарори қабул қилинган.</p>
5.	“Ноёб илмий-асбоб усуналардан жамоавий фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.	<p>1. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш.</p> <p>3. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2020 йил 1 ноябрь</p> <p><u>Ш.Отажонов</u></p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги</p>	<p>Бажарилган. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий ташкилотларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида” 2020 йил 8 июндаги 366-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан Фанлар академияси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ҳамда Биоорганик кимё институтида фаолият</p>

					юритаётган ноёб объектларнинг штат бирликларини мақбуллаштириш эвазига ушбу институтлар ҳузурида ҳар бири 8 та штат бирлигидан иборат юридик шахс мақомига эга бўлмаган Илмий асбоб-ускуналардан жамоавий фойдаланиш марказлари ташкил қилинган.
6.	“Илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий-инновацион фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини рейтинг баҳолаш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.	<p>1. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш.</p> <p>3. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2020 йил 1 ноябрь</p> <p><u>Ш.Отажонов</u></p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги</p>	<p>Бажарилган. Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий ташкилотлар рейтингини аниқлаш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 11 майдаги 274-сон қарори қабул қилинган.</p>
7.	Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва электрон маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини ёритиб боровчи “Фан” портални ишга тушириш.	<p>1. “Фан” порталининг концепциясини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Лойиҳанинг техник вазифалари ва паспортини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш.</p> <p>3. Портални ишга тушириш.</p>	<p>2020 йил 1 март</p> <p><u>Ш.Отажонов</u></p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги</p>	<p>Бажарилган. fan-portal.uz - “Фан” портали ишлаб чиқилиб, фаолияти йўлга қўйилди. fan-portal.uz порталида лойиҳаларни танлов эълон қилингандан бошлаб рўйхатдан ўтказиш жараёни, лойиҳа раҳбари ва иштирокчилар тўғрисида маълумотлар ва уларнинг илмий-тадқиқот</p>

					<p>ишлари, лойиҳа ва уни бажариш тўғрисидаги маълумотлар киритилиб борилмоқда.</p> <p>Ҳозирда 2558 та лойиҳа ҳамда 23 000 нафарга яқин олимлар, шундан 2717 нафари фан доктори, 8171 нафари фан номзоди рўйхатдан ўтган (Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2020 йил 16 мартдаги 02-09/1365-сон хати).</p> <p>Шунингдек, <u>қўшимча тарзда</u> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ–4699-сон қарорига мувофиқ Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан “Илмий-техник” ахборот тизимини жорий этиш юзасидан амалий лойиҳа ишлаб чиқилиб, тегишли илмий-техник кенгашга тақдим этилди.</p>
8.	<p>Хўжалик бошқаруви органларида иқтисодиётнинг тегишли тармоқ ва соҳаларининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда</p>	<p>1. Семинарлар дастури ва жадвалини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш.</p> <p>2. Мақсадли давлат илмий-техника дастурлари лойиҳаларини шакллантириш юзасидан</p>	<p>2020 йил 1 май</p> <p><u>Ш.Отажонов</u></p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим</p>	<p>Бажарилган.</p> <p>Қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти юзасидан кенг жамоатчилик, олим ва мутахассислар, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини жойига чиққан ҳолда олиб</p>

	<p>истикболли йўналишлар мақсадли илмий-техника дастурларини шакллантириш юзасидан семинарлар этиш.</p> <p>илмий бўйича давлат туркум ташкил</p>	<p>услугий кўрсатмалар ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Илмий-тадқиқотларнинг муҳим натижаларини иқтисодиёт тармоқларининг эҳтиёжлари ва долзарб муаммоларини ечишга йўналтириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.</p>		<p>вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги</p>	<p>бориш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва Инновацион ривожланиш вазирининг 2019 йил 18 ноябрдаги 253-сон буйруғи тасдиқланди.</p> <p>Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 50 дан ортиқ туркум семинарлар ташкил этилган.</p> <p>Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2020 йил 8 майдаги 52-сон баёни билан Қонун талабларига мувофиқ вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларига топшириқлар белгиланди.</p> <p>Фан ва технологиялар бўйича республика кенгашининг 2020 йил 16 майдаги 1-сон баёни билан йирик корхоналар ва ташкилотларнинг илмий-техник муаммолари ечимига йўналтирилган тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш юзасидан ишланмалар рўйхатини шакллантириш ҳамда ишлаб чиқарувчи корхоналар ва ташкилотлар ўзларининг илмий-техник муаммоларини Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этишлари белгиланди.</p>
--	--	---	--	--	--

					<p>Худудларда маҳаллий ҳокимликлар вакиллари ва илм-фан намоёндалари ҳамда тадбиркорлар иштирокида илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва туркум тадбир ва учрашувлар ташкил этиш мақсадида Президент Администрациясининг 2020 йил 27 январдаги 08-255-сонли топшириғи ва тадбирлар дастури тасдиқланди.</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида” 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ-576-сон Қонунинининг 9, 20 ва 36-моддаларига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органларига намунавий низомлар, шакллар ва тавсиялар келгусида Қонун талабларига мувофиқ ишларни амалга ошириш, хусусан илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурлар доирасида истиқболли илмий лойиҳаларни шаклантириш, танлаб олиш ва молиялаштиришни ташкил этиш учун юборилди (23.06.2020 йилдаги 01-15/2506-сонли хат)</p>
--	--	--	--	--	--

9.	<p>Қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти юзасидан аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш.</p>	<p>1. Режа-график ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Режа-графикни амалга ошириш.</p>	<p>2019 йил 1 декабрь Режа-график асосида</p> <p><u>Ш.Отажонов</u></p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги, ЎЗА, МТРК, Адлия вазирлиги, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги</p>	<p>Бажарилган. 2019 йил 18 ноябрдаги 253-сон буйруғи тасдиқланди. Қонуннинг аҳамияти тўғрисида: 2019 йил 20 ноябрь куни Фанлар академиясида; 2019 йил 28 ноябрь куни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида; 2019 йил 3 декабрь куни Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида; 2019 йил 5 декабрь куни Ўзбекистон Миллий университетида тадбирлар ўтказилган. Шу каби тадбирлар жойига чиққан ҳолда 2020 йил март ойигача ўтказилган (Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019 йил 10 декабрдаги 05-22/6423-сон хати). Шунингдек, коронавирус пандемияси туфайли эълон қилинган карантин шаротида онлайн видеоконференция шаклида семинарлар ташкил этилмоқда.</p>
10.	<p>ОАВ ҳамда давлат органларининг расмий веб-сайтларида Қонуннинг мазмун-</p>	<p>1. Режа-график ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Режа-графикни амалга</p>	<p>2019 йил 1 декабрь Режа-график асосида</p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги, ЎЗА,</p>	<p>Бажарилган. 2019 йил 18 ноябрдаги 253-сон буйруғи тасдиқланди.</p>

	<p>моҳияти ва аҳамиятини ёритишга қаратилган туркум мақола, кўрсатув, эшиттиришлар бериб бориш.</p>	<p>ошириш.</p>	<p><u>Н.Абдуқундуз</u> <u>ова</u></p>	<p>МТРК, Адлия вазирлиги, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги</p>	<p>Қонун тарғиботига бағишланган тадбирлар “Ўзбекистон-24”, “Узрепорт”, “Тошкент”, “Қорақалпоғистон”, “Қашқадарё” телеканалларининг “Янгиликлар” дастурларида 14 марта намойиш этилган. Қонун тўғрисида 2 та махсус кўрсатувлар тайёрланган. Шунингдек, “Ўзбекистон”, “Ўзбекистон-24”, “Ёшлар” радиоканалларида 10 марта, mininnovation.uz, uza.uz, kun.uz, xabar.uz, Tashkent.uzspot.uz каби веб-сайтларда 20 мартадан ортиқ, “Маърифат”, “Маҳалла” “Правда Востока”, “Тошкент оқшоми” газеталарида 4 марта, жами 50 мартадан ортиқ ёритилган (Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019 йил 10 декабрдаги 05-22/6423-сон хати).</p>
--	---	----------------	---	---	--